

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Янги Наманган туман халқ
таълими бўлими бош муҳандис

Б. Муталлиев **Б. Муталлиев.**




Техник топширик БУЮРТМАЧИ

№	Маълумотлар рўйхати	Асосий маълумотлар ва талаблар
1	Бажариладиган иш	Янги Наманган туман ҳудудида жойлашган 59-62-63-70-83-89-сонли умум ўрта таълим мактаб биноларни ички ҳудудини ободонлаштириш ишлари. Жами бошланғич сумма: 153 501,490 сўм (ккс билан)
2	Бўйсртмачи	Янги Наманган туман халқ таълими бўлими.
3	Бажарувчи	Танловдан сўнг аниқланади
4	Объект жойлашган манзил	Янги Наманган туман ҳудудида жойлашган 59-62-63-70-83-89-сонли умум ўрта таълим мактаблар.
5	Иш бошланиши ва тугалланиши	2022 йил октябрь– 2022 йил ноябрь
6	Маблағ манзили	Бюджетдан ташқари маблағлар
7	Алоҳида талаблар	Ишлар сифатли ва ўз вақтида бажарилиши шарт. Бажарилган ишлар қабул қилиш топшириш далолатномасига асосан қабул қилиб борилади
8	танлов шarti	1) Иш тажрибаси: Танлов қатнашчиси ушбу топшириқдаги ёки шунга ўхшаш хизматга доир иш тажрибага эга бўлиши керак. 2) Танлов иштирокчиси кўрсатилган муддатга ишларни бажаришга кафолат бериши керак.
9	Тўловлар шarti	Тўловлар пул кўчириш йўли билан ва счёт фактура асосида

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Янги Наманган туман халқ таълими бўлими бош муҳандис

Б. Муталлиев.



БУЮРТМАЧИ:

Наманган вилояти Наманган шаҳар Янги Наманган туман халқ таълими бўлими

Янги Наманган туман ҳудудида жойлашган 59-62-63-70-83-89-сонли умум ўрта таълим мактаб биноларни ички ҳудудини ободонлаштириш ишлари.

ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИ

Наманган вилояти Наманган шаҳар Янги Наманган туман Хокимлиги-2022

Танлов ҳужжатларининг мазмуни:

- I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**
- II. Техник қисм**
- III. Нархлар қисми**

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрелдаги № 684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан руйхатдан ўтказилган тартиби асосида ишлаб чиқилди

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. 1.1 Янги Наманган туман ҳудудида жойлашган 59-62-63-70-83-89-сонли умум ўрта таълим мактаблар.

1.2. Техник топшириқ танлов ҳужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан ташкилот билан шартнома тузилади.

1.3. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 30 кун.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Наманган Шаҳар ҳокимлиги Махалла ва Нурунийларни қўллаб-қувватлаш Булими , (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) -танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Янги Наманган туман ҳудудида жойлашган 59-62-63-70-83-89-сонли умум ўрта таълим мактаблар.

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов Янги Наманган туман ҳокимлиги биносида “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда маҳсулотни ишлаб чиқарувчи ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми;

низсм маблағи миқдори

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

3.5. Танлов иштирокчилари – талабгор ташкилотлар танлов предметининг лойиҳа ҳужжатлари, хусусан, лойиҳани график қисми (чизмалари) билан танишиб чиқиш ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) тақдим этилиши ҳақида муурожаат қилишга ҳақлидирлар.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштиришди лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. танлов хужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

- Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

4.4. Танлов иштирокчиси:

- фақат битта таклиф бериши мумкин;

- тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ҳолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилиги жавобгардир. Ҳолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир

6. БОШҚА ШАРТЛАР

6.1 Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товари (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

6.2 Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қодаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қодаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

6.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан махсус ахборот порталида эълон қилинади.

6.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

6.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

№ 1илова

Танловга тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати

1. Танлов иштирок этиш буюртмасини таъминлаш. 1 – шакл
2. Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар. 2 - шакл
3. Танлов иштирокчисининг молиявий аҳволи. 3 ва 4-шакллар
4. Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охириги 1 йиллик иш тажрибаси. 5-шакл
5. Машина ва механизмлар рўйхати, 6 – шакл
6. Танлов иштирокчиси танлов вақтида иштирок этаётган ва мазкур танловнинг предмети бўлмиш объектни қуриш (реконструкциялаш, таъмирлаш) даврида иштирок этадиган бошқа контрактлар (объектлар) ҳақида маълумот. 7-шакл
7. Қурилиш лойиҳани ўрганганлик тўғрисида маълумотнома. 8-шакл.

Таклифларни техник ва нархлар буйича баҳолаш.

Харид комиссияси томонидан берилган эълон юзасидан курсатилган муддатда иштирокчилардан электроний шаклда келиб тушган таклифлар дастлаб техник жихатдан баҳоланади. Комиссия томонидан электроний шаклда келган таклифлар, техник баҳолаш утказилгандан сунг куйидаги критерийларга асосан нархлар буйича баҳоланади.

№	Критерийларноми, мазмуни	Энг юкори балл
1.	Танлов иштирок этиш буюртмасини таъминлаш. 1 – шакл	8
2.	Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар. 2 - шакл	17
3.	Танлов иштирокчисининг молиявий аҳволи. 3 ва 4-шакллар	22
4.	Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охириги 1 йиллик иш тажрибаси. 5-шакл	20
5.	Машина ва механизмлар рўйхати, 6 – шакл	15
6.	Танлов иштирокчиси танлов вақтида иштирок этаётган ва мазкур танловнинг предмети бўлмиш объектни куриш (реконструкциялаш, таъмирлаш) даврида иштирок этадиган бошқа контрактлар (объектлар) ҳақида маълумот. 7-шакл	9
7.	Курилиш лойиҳани ўрғаганлик тўғрисида маълумотнома. 8-шакл.	9